

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ							
1.	Тўлик:		«ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки				
	Қискартирилган:		«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ				
	Биржа тикерининг номи:		AABK				
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ							
2.	Жойлашган ери:		100047, Ташкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 2А				
	Почта манзили:		100047, Ташкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 2А				
	Электрон почта манзили:		info@aab.uz				
	Расмий веб-сайти:		aab.uz				
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ							
Муҳим фактнинг рақами:		06					
Муҳим фактнинг номи:		Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар					
Умумий йиғилиш тури:		Навбатдан ташқари					
Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:		12.09.2025					
Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:		22.09.2025					
Умумий йиғилиш ўтказилган жой:		100047, Ташкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 2А					
Умумий йиғилиш кворуми:		100%					
№	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш якунлари					
		ёқлаш		қарши		бетарафлар	
		%	сон	%	сон	%	сон
1	Банкнинг 2025 йил 1-ярим йилликдаги соф фойдасини тақсимлаш, банк акциялари бўйича дивидендлар миқдори, уларни тўлаш шакли ва тартибини кўриб чиқиш;	100	2 641 051 649	-	-	-	-
2	Банк акцияларини қўшимча чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва тасдиқлаш.	100	2 641 051 649	-	-	-	-
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:							
3.	<p>1. Банкнинг 2025 йил 1-ярим йиллик молиявий ҳисоботининг ишончилиги "Ernst & Young" АЖ МЧЖ ХК аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган.</p> <p>Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларига мувофиқ банкнинг 2025 йил 1-ярим йиллигидаги соф фойдаси 236 947 182 000 сўмни ташкил этган бўлса, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ банкнинг 2025 йил 1-ярим йиллигидаги консолидациялашган соф фойдаси 244 387 000 000 млн. сўмни ташкил этган. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 59-моддаси талабларига мувофиқ банкнинг соф фойдасини тақсимлаш масаласи акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киради.</p> <p>Бунда, юқорида кўрсатилган Қонуннинг 50-моддасига мувофиқ, ҳар бир турдаги акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги тўғрисида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендлар миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан ортиқ бўлиши мумкин эмас.</p> <p>Банк Кузатув кенгашининг 2025 йил 9 сентябрдаги йиғилишида банкнинг ягона акциядорига банкнинг 2025 йил 1-ярим йиллигидаги 236 947 182 000 сўм соф фойдасидан 210 544 650 000,00 сўм дивиденд тўлашга йўналтириш, банк соф фойдасининг қолган 26 402 532 000,00 сўм қисмини тақсимланмаган фойда ҳисобварағида қолдириш тавсия этилган.</p>						
	<p>2. Банкнинг молиявий барқарорлигини, капиталининг етарлигини яхшилаш ва фаолиятини кенгайтириш мақсадида Кузатув кенгаши томонидан банкнинг ягона акциядорига устав капиталини кўпайтириш масаласи кўриб чиқиш учун киритилди.</p> <p>Банк уставининг 42-бандига мувофиқ, банк илгари чиқарилган акцияларга қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган оддий акцияларнинг руҳсат этилган миқдори 2 800 000 000 дона акцияни ташкил этади.</p> <p>Банкнинг устав капиталини банкнинг ягона акциядорига ёпиқ обуна қилиш йўли билан жойлаштирилган умумий номинал қиймати 200 017 405 500,00 сўм бўлган қўшимча 800 069 622 дона оддий акцияларни чиқариш йўли билан ошириш таклиф этилмоқда.</p> <p>Қимматли қоғозларни чиқариш ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш қодаларининг (2009 йил 30 августдаги 2000-сон рўйхати) 31-бандига асосан акциялар чиқаришнинг биринчи босқичи акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ва тасдиқлаш ҳисобланади.</p> <p>Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, ягона акциядор қарор қилди:</p>						

	<p>Банкнинг 2025 йил биринчи ярим йиллигидаги 236 947 181 596,38 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:</p> <p>- 210 544 637 458,28 сўм оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш учун йўналтирилсин;</p> <p>- 26 402 544 138,10 сўм банкнинг тақсимланмаган фойда ҳисобварағида қолдирилсин.</p> <p>Дивидендлар тўлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланганидан кейин тўлов қарори қабул қилинган кундан бошлаб 60 кун ичида банкнинг ҳар бир оддий акциясига 79,72 сўм миқдоридан тўланади. Дивидендлар нақд пулда ва банкнинг оддий акцияларида амалга оширилади. Нақд пулда тўлов акциядорларнинг банк ҳисоб рақамларига пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, банк кассалари орқали нақд пулда амалга оширилади. Оддий акциялар бўйича тўлов қўшимча акциялар чиқарилиши қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органида рўйхатга олинганидан кейин амалга оширилади.</p> <p>Банкнинг ягона акциядори дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган кундан бошлаб уч иш куни олдин тузилган Банк акциядорлари реэстрида рўйхатга олинган акциядорлар дивидендлар олиш ҳуқуқига эга. Қўшимча акциялар чиқарилиши амалга оширилсин. 800 069 622 (саккиз юз миллион олтамиш тўққиз минг олти юз йигирма икки) дона номинал қиймати 250 (икки юз эллик) сўм бўлган, жами 200 017 405 500,00 (икки юз миллиард беш юз) сўм ўн беш миллион сўм бўлган, оддий рўйхатдан ўтказилган, сертификатланмаган акциялар чиқарилсин.</p> <p>“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Раисининг биринчи ўринбосари О.О.Норкуловга Бошқаруви томонидан тасдиқланган акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни имзолашга рухсат берилсин.</p> <p>“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Кузатув кенгаши аъзоси Ш.Р.Авазовага акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорни банкнинг ягона акциядори томонидан тасдиқлаш шарти билан имзолашга рухсат берилсин.</p> <p>Акцияларни жойлаштириш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органида қўшимча акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан бир ой ичида амалга оширилади.</p> <p>Жойлаштиришнинг бошланиш санаси: қўшимча акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган сана.</p> <p>Жойлаштиришнинг тугаш санаси: ушбу эмиссиянинг охириги акцияси жойлаштирилган сана, лекин қўшимча акциялар чиқарилиши қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай ҳисобланади.</p> <p>Акцияларни ушбу эмиссия бўйича жойлаштириш банкнинг ягона акциядори дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган кундан бошлаб уч иш куни олдин тузиладиган Банк акциядорлари реэстрида қайд этилган банкнинг ягона акциядорига хусусий обуна бўлиш йўли билан амалга оширилади.</p> <p>Акцияларни жойлаштириш ташкил этилмаган биржадан ташқари бозор орқали, тўғридан-тўғри фуқаролик битимлари белгиланган тартибда ва андеррайтерларни жалб қилмасдан тузилади.</p> <p>Нақд пулсиз шаклда тўлашга курсатилмайди. Акцияларни тўлаш банк ягона акциядорининг 2025 йил 12-сентябрдаги оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорига мувофиқ банкнинг ягона акциядорига ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан амалга оширилади.</p> <p>Жойлаштириш даврида акциялар умумий сонининг 60 фоиздан камроғи жойлаштирилган бўлса, акциялар чиқарилиши ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.</p> <p>Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органи томонидан акциялар чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, банк оммавий ахборот воситаларида, Ягона корпоратив ахборот порталида ва ўзининг корпоратив веб-сайтида бу ҳолат тўғрисида расмий хабар эълон қилади.</p> <p>Пулни қайтариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда беш банк куни ичида амалга оширилади.</p>																					
	<p>Эмитентнинг ижроия органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари фойдасига ҳисобланган ва тўланган ҳақ ва (ёки) компенсациялар</p> <table border="1" data-bbox="225 1458 1541 1630"> <thead> <tr> <th data-bbox="225 1458 292 1630">№</th> <th data-bbox="292 1458 523 1630">Ф.И.Ш.</th> <th data-bbox="523 1458 719 1630">Шахс аъзоси ҳисобланган эмитент органининг номи</th> <th data-bbox="719 1458 986 1630">Тўлов тури (ҳақ ва (ёки) компенсациялар)</th> <th data-bbox="986 1458 1177 1630">Ҳисобланган сумма (сўм)</th> <th data-bbox="1177 1458 1369 1630">Маблағлар ҳисобланган давр</th> <th data-bbox="1369 1458 1541 1630">Тўлов назарда тутилган эмитент ҳужжати</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td colspan="7" data-bbox="225 1630 1541 1675">Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:</td> </tr> <tr> <td colspan="7" data-bbox="225 1675 1541 1722">Кандидатлар тўғрисида маълумот</td> </tr> </tbody> </table>	№	Ф.И.Ш.	Шахс аъзоси ҳисобланган эмитент органининг номи	Тўлов тури (ҳақ ва (ёки) компенсациялар)	Ҳисобланган сумма (сўм)	Маблағлар ҳисобланган давр	Тўлов назарда тутилган эмитент ҳужжати	Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:							Кандидатлар тўғрисида маълумот						
№	Ф.И.Ш.	Шахс аъзоси ҳисобланган эмитент органининг номи	Тўлов тури (ҳақ ва (ёки) компенсациялар)	Ҳисобланган сумма (сўм)	Маблағлар ҳисобланган давр	Тўлов назарда тутилган эмитент ҳужжати																
Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:																						
Кандидатлар тўғрисида маълумот																						

Бошқарув Раиси в.в.б

Норкулов Обиджон Одилович

Бош бухгалтер в.в.б

Курбанов Умар Эшниеъович

Фазначилик бошқармаси бошлиғи
в.в.б.

Отажанов Нодиржон Махмуджанович